O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI XO'JAOBOD TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

2021 - yil 12 - oktabr 75-1-27-Q/21 Xo'jaobod tumani hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага 2022 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил 5-6-сон, 97-модда;17-моддаси, "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 277-модда; 25-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган"Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон) ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2022 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,"Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2022 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, 2022 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхати бўйича ўртача сонидан 541 нафарини ташкил этадиган 7 фоиз миқдорида, шу жумладан:

- ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун - 152 та;

-таълим муассасаларини тугатган ёшларучун-125 та;

- муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун - 21 та;

- ногирон учун 3 фоиз (183 нафар юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронни ишгажойлаштириш бўйича талаб 6 та бўлганлиги сабабли, келгусида 177 та иш ўринлари битирувчилар учун банд этиб қўйилсин);

- Пенсия ёшига яқинлашиб қолган фуқаролар учун - 8 та;

- жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чора кўрилган шахслар учун - 3 та;

- Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқароларнинг бошқа тоифалари учун - 49 та миқдорида иш ўринлари захирасини белгилайди.

2. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажарилишини таъминлайдиган санитария-гигена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлиши керак,

шу жумладан:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлигини аҳволига меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

Жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар, одам савдосидан жабрланганлар учун уларнинг касби бўйича тайёргарлик ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

3. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар:

Мухандислар, иқтисодчилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электрик ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ободонлаштириш ишчиси, электрон ҳисоблаш машинаси оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

4. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига қуйидаги вазифалар топширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил
5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида“ги Низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш;

2022 йил бошлангунга қадар 10 кундан кечикмай ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ҳажмида иш ўринлари банд қилиб қўйилишини тайёр бўлиши таъминлансин, ушбу тўғрисида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига йил бошлангунга қадар ахборот берилсин;

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календар йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлансин, бу тўғрида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига
1-чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10 санасига қадарли ахборот бериш;

ташкилотлар ҳар ойда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига юқорида кўрсатилган тоифадаги шахсларнинг ишга жойлаштирилиши тўғрисида ушбу Низомнинг 5- иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этиш;

банд қилиб қўйилган иш ўринларнинг белгиланган сони ҳисобига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ташкилот томонидан тақдим этилмаганлиги ҳам ва амалда уларнинг тайёр эмаслиги ҳам меҳнат органи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорининг бажарилмаганлиги сифатида қараши лозимлиги қайд этилсин.

5. Ушбу қарор бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 21-бандига мувофиқ жарима солиниши уқтириб ўтилсин.

6. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Р.Бакиров) бир ҳафта муддатда ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва ушбу қарорнинг

бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

8. Ушбу қарор 2022 йил 1 январдан кучга киритилсин.

9. Туман “Ҳақиқат”газетаси муҳаррири (Т.Шерматов) қарорни расмий эълон қилиш ва ҳокимликнинг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

10. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага 2021 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисидаги туман ҳокимининг 2020 йил
28 сентябрдаги516-қсонли қарори 2022йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Расулов ҳамда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори Р.Бакиров зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими **З. Ахмадалиев**

Хўжаобод туман ҳокимининг
2021 йил 12 октябрдаги
75-1-27-Q/21-сон қарорига
1-илова

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия

Т А Р К И Б И

Т/р	**Ф.И**		**Лавозими**
1.	Д.Расулов	-	Туман ҳокимининг 1-ўринбосари, **ишчигуруҳ раиси**
Аъзолари			
2.	Р.Бакиров	-	Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш Маркази директори
3.	Ш.Адахамжонов	-	Туман ҳокимлиги бош мутахассиси
4.	М.Эрдиқулов	-	Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказиишсиз аҳолини иш билан таъминлаш шуъбасибошлиғи
5.	Х.Садиқохунов	-	Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашишмаркази давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори
6.	Лавозимига кўра	-	Тумандаги барча маҳалла фуқароларйиғинлари раислари